



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 4-oktabr, seshanba,
116 (23.683)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Худони
англамасдан
туриб,
дунёни англаб
бўлмайд

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) https://twitter.com/zarnews_uz



ШХТНИНГ “САМАРҚАНД РУҲИ”

Халқаро ҳамкорликка чорлади

29 сентябрь куни ШХТ Халқ дипломатияси маркази томонидан пойтахтимизда “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида маданий-гуманитар ҳамкорлик векторлари” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Унда Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида маданий-гуманитар соҳада эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш, Самарқанд саммитида фан, таълим, маданият, туризм ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни шакллантириш ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишларни муҳокама этилди.

1 октябрь куни Самарқанд шаҳрида ушбу конференциянинг узвий давоми сифатида Ўзбекистондаги ШХТ Халқ дипломатияси маркази ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши хузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида тадбир ташкил этилди.

“Россия ва Ўзбекистондаги дўстлик уйлари, миллий маданий марказлар - тинчлик, миллатлараро тотувлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун: этно-ма-

даний амалиёт ва тажриба алмашиш” мавзусидаги давра суҳбатиде Саха Республикаси (Россия Федерацияси)нинг А.Е.Кулаковский номли “Халқлар дўстлиги уйи” мухтор муассасаси билан Ўзбекистондаги ШХТ Халқ дипломатияси маркази ҳамда Фонд (Самарқанд) ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Тадбирда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг Халқ дипломатияси соҳасидаги ҳамкор тузилмалари вакиллари, Дўстлик уйлари, миллий маданий марказлар, таниқли мутахассис ва экспертлар маърузалар билан иштирок этди.

Тадбир жараёнида вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимовга ШХТнинг Самарқанд саммитини ташкиллаштириш, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш орқали халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан, юртимизда Халқ дипломатияси ривожини таъминлашдаги фаол иштироки учун Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази томонидан таъсис этилган “Халқ дипломати” кўрак нишони тақдим этилди.

Меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг қадимий обидалари ва “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказида бўлди, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети фаолияти билан танишди.

Ўз муҳбиримиз.

Чемпионларга “Нексия”

1 октябрь куни Самарқанд шаҳридаги “Афросиёб арена” спорт мажмуасида ёнғин-қутқарув спорти бўйича эркалар ўртасида XVII, аёллар ўртасида VIII жаҳон чемпионати старт олди.

Чемпионатнинг очилиш маросимида Халқаро ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар спорти федерацияси президенти, Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-полковник А.Чуприян, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор А.Қўлдошев, вилоят ҳоқими Э.Турдимов иштирок этди.

Чемпионатнинг эркалар ўртасидаги баҳсида 11 давлат - Ўзбекистон, Тожикистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия, Хитой, Туркия, Эрон, Беларусь ва Қирғизистон ҳамда аёллар ўртасидаги баҳсида Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Беларусь, Туркия Республикалари жамоалари куч синашмоқда.

Мусобақанинг биринчи кунги натижаларига кўра, эркалар ўртасида ишғол қилиш нарвонида тўртинчи қаватга кўтарилиш йўналиши бўйича саралаш баҳсларида энг яхши натижага беларуслик спортчи Никита Уколов аёллар баҳсида эса россиялик Анна Юдина қайд этди ва бош соврин “Нексия” автомобиларига эга бўлди.

Иккинчи кунги 100 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсларида эркалар ўр-



тасида умумжамоа ҳисобида россиялик спортчилар биринчи, терма жамоамиз аъзолари иккинчи, Қозоғистон термаси учинчи ўринни эгаллади.

Аёллар ўртасидаги баҳсида ҳам россияликлар биринчи бўлди. Кейинги ўринлар Беларусь ва Қозоғистон терма жамоаларига nasib этди.

Халқаро ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар федерацияси ҳамкорлигида ўтқазилган мазкур чемпионат баҳслари 5 октябрга қадар давом этади.

Фазлиддин РЎЗИБОВ.

4-7 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида камондан отиш спорт тури бўйича аёллар ўртасида “Тўмарис кубоги” халқаро турнири ўтказилади.

Унда ўнга яқин давлатдан 80 нафардан ортик спортчи иштирок этиши кутилмоқда.

8-9 октябрь кунлари эса Самарқанд эшак эшиш канали ва унга туташ ҳудудда триатлон (сузиш, югуриш, велоспорт турлари) бўйича “2022 Asian Triathlon Cup Samarkand” Осиё чемпионати ўтказилади.

Мусобақада 30 га яқин давлатдан 350 нафар спортчи қатнашиш истагини билдирган.

ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

Ҳар бир ҳоқим ўзига шундай саволни берсин: “менинг вилоятим, шаҳар ва туманимга сайёҳлар қаерга ва нимани кўришга келади?” Қайси ҳоқим шу саволга тўғри жавоб топиб, туризм дастурларини қилса, албатта ўзгарिश бўлади.

УРГУТДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНДИ, ҚАЧОНКИ...



Туризм одамларни ишли қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган соҳа саналади. Самарқандда туризм соҳасида амалга оширилган ишлар, муаммолар бўйича газетамизнинг ўтган сонларида мақолалар бериб борилган. Эндиликда шу йўналишни ривожлантириш масаласи туманларда ҳам куннинг долзарб масаласига айланган.

Хўш, бугун Ургут туманида қандай ишлар амалга оширилган, мавжуд муаммолар нималарда?

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Шу йилнинг 7-8 октябрь кунлари Самарқанд шаҳридаги Ислоҳ Каримов кўчасида Туризм ва маданий мерос вазирлиги, вилоят ҳоқимлиги ва Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ташаббуси билан Халқаро гастрономик фестивал ўтказилади.

Техникум ва коллежларга кириш тест синовлари бошланди

3 октябрдан вилоятимизда техникум ва коллежларга кириш тест синовлари бошланди. Имтиҳонлар Самарқанд шаҳридаги СамДУ академик лицейи спорт зали, спортнинг енгил атлетикага ихтисослаштирилган БЎСМ баскетбол ва қўл тўпи залларида, шунингдек, Каттакўрғон шаҳри, Пахтачи, Иштихон, Нуробод, Қўшработ туманларида 8 октябрга қадар давом этади.

2022-2023 ўқув йили учун профессионал таълим муассасаларига кириш тест синовлари икки навбатда ўтказилади. Бунда тест синовлари биринчи навбатда 09:00 дан 12:00 га қадар, иккинчи навбатда 14:30 дан 17:30 га қадар ташкил этилади.

Тест синовии касб ва мутахассисликка мос иккита фан ва барча тест топширувчилар учун мажбурий бўлган учта фан (она тили, математика, Ўзбекистон тарихи)дан ўтказилади.



Талабгорларга мутахассислик фанларидан 30 тадан, мажбурий фанлардан 10 тадан, жами 90 та тест топшириғи ва уларни ишлаш учун 3 соат вақт ажратилади.

Тест синовларида тўплаш мумкин бўлган максимал балл - 189 балл.

Беш кун давом этадиган тест синовларидан 15 870 нафар абитуриент қатнашиши кутилмоқда.

Давлат тест маркази Самарқанд вилояти бўлими.

Талабалар тураржойи фойдаланишга топширилди

Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2-талабалар тураржойи 8 миллиард 301 миллион сўм маблағ эвазига мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

350 ўринга мўлжалланган мазкур талабалар тураржойининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Сарвархон Бузруқхонов масканда талабалар учун яратилган шароитлар билан танишди. Давлат-хусусий шериклик асосида 500 ўринли яна бир талабалар масканида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Асилбек АБДУРАИМОВ.

ОБУНА –
2023

“Зарафшон” ва
“Самарқандский вестник” газеталарига
2023 йил учун обуна бўлиб


БИЗ:

- Самарқанд ҳаётига оид муҳим хабар ва янгиликларни газеталаримиз ва интернетдаги саҳифаларимиз орқали биринчилардан бўлиб ёритамиз;
- маълумотларни биринчи манбадан олиб, сизга етказамиз;
- ҳолис таҳлил ва танқид қиламиз;
- энг муҳим, фойдали маълумотларни сизга илинамиз.

Газеталаримизга обунани таҳририятнинг ўзидан ҳам расмийлаштиришингиз мумкин!

Садоқатли муштарийларимизнинг талаб ва таклифларини инобатга олиб, ўТГАН ЙИЛГИ НАРХДА қолдирдик!

“ЗАРАФШОН” газетаси (ҳафтада уч марта)нинг обуна нархи:
• 640 минг сўм (якка тартибда таҳририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шарт билан);
• 768 минг сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шарт билан).



“САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК” газетаси (ҳафтада икки марта)нинг обуна нархи:
• 468 минг сўм (якка тартибда таҳририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шарт билан);
• 561 минг 600 сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шарт билан).

ЭНГ КЎП ОБУНА УЎШТИРГАН ТАШКИЛОТЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАРИМИЗ БОР!

ОБУНА ИНДЕКСИ
5502

УРГУТДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНАДИ, ҚАЧОНКИ...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИГА ҚАНДАЙ АМАЛИЙ ЁРДАМ БЎЛДИ? Ургут туманидаги Терсақ маҳалласи туризм қишлоғи деб эълон қилинганлиги кўпчиликка маълум. Айтиш керакки, мазкур ҳудуднинг чиройли табиати, ўзига хос об-ҳавоси, тоғли ҳудудларда жойлашган уйлар гўзал манзарани ҳосил қилади. Қишлоқ аҳли билан суҳбатлашганимда уларнинг ҳамқишлоғи, француз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган Қўйсин ака туфайли бу ерга хорижликлар дам олиш, табиатдан баҳраманд бўлиш учун кела бошлаган экан. Бу яхши ташаббус қишлоқдошларга ҳам "юқиб", аста-секин маҳаллада меҳмон уйлари пайдо бўлган. Маҳалла туризм қишлоғи, деб эълон қилинган, бу ерда меҳмон уйлари сони 25 тага етди.

Мисол учун, Офиат опа Худойбердиева номига ташкил этилган меҳмон уйи бир вақтнинг ўзига 10 нафаргача меҳмонни қабул қилиши мумкин. Меҳмон уйи боғнинг ичида жойлашган бўлиб, атрофдаги яшиллик, боғдаги сархил мева-лар, гуллардан баҳраманд бўласиз. Боғ адоғида қурилган ҳовуздаги баликларни томоша қилиш баробарида, унинг устига қурилган супада хордиқ чиқариш, хорижлик меҳмонлар учун ўзбекиона таомларини уй эгалари билан биргаликда тайёрлаш, оилалардаги қадриятларни кўриш, бир сўз билан айтганда, бу меҳмон уйларида соф ўзбекиона ҳаёт тарзини ҳис қилиш мумкин.

Туризмда айнан шу йўналиш эътиборли эканини соҳа мутасаддилари яхши билишади. Аммо Терсақдаги меҳмон уйларининг бир неча эгаси билан суҳбатлашганимда уларга ҳатто имтиёзли кредит ажратилмаган экан. Боз устига, қишлоқ ўртасидан ўтувчи катта сой устидан қурилган кўприкни ҳам меҳмон уйлари билан бирининг эгаси ўз маблағи ҳисобига ҳашар йўли билан қурганилини билдик. Гарчи, маҳаллага кириш йўлига асфальт ётқизилган бўлса-да, тоғли йўл бўлгани учун ички йўللарда юриш нафақат ноқулай, балки хавфли ҳам.

7200 нафар аҳоли истиқомат қиладиган мазкур маҳаллага марказлашган сув тармоғи энди тортиляпти. Ҳозирда аҳоли қудуқ қазиб, бўлоқ сувидан фойдаланади, электр масаласида муаммолар йўқ, аҳоли газ баллонни ишлатади.

ЎНЛАБ ТУРИЗМ Йўналишини АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН Айтиш керакки, Ургут вилоятдаги йирик туманлардан бири бўлиши баробарида иқтисодий салоҳияти мустаҳкам. Туман вилоятнинг жануби-шарқий томонидаги тоғлар этағида, денгиз сатҳидан тахминан

1000 метр баландликда жойлашган. Бир томондан Қашқадарё вилояти, бир томондан қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош.

Бу ерда нафақат хорижий, балки маҳаллий туристларни ҳам қизиқтирадиган қатор масканлар бор. Мисол учун, Ургут шаҳрининг шарқ томонидаги Ғўс қишлоғида жойлашган Ғавсул Аъзам зиёратгоҳи, чинорлар билан ўралиб, юқориси тоғлар билан туташиб кетган. Баъзи манбаларга кўра, минг ёшли чинорлари мавжуд Чорчинор зиёратгоҳи бугун таъмирланиб, зиёратчиларнинг доимий масканига айланган. Шунингдек, Ургутда ноёб табиат гўзалликлари мўжасам этган тоғли, ўрганиш талаб этиладиган, сайёҳларга шароит яратишга мўҳтож қатор ҳудудлар ҳам мавжуд. Хусусан, Амир Темур барпо этган боғлардан бири Боғи жаҳоннома Самарқанд шаҳрининг жанубида, "Тошкент-Термиз" йўли ёқасида жойлашган, қалин дарахтзорлар орасидаги сўлим ва гўзал бир маскан. Шунингдек, баланд тоғлар орасида жойлашган "Яхдон" горини сайёҳлар тоғ йўллари билан баландлаб, машҳур Аллаёрон чўққиларининг бутун маҳобати билан томоша қилишлари мумкин.

Шундай горлардан яна бири Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Омонқўтон қишлоғидаги тоғлардан бирида мавжуд. Ўз вақтида гор текширилганда, экспедиция аъзолари горнинг фақатгина 1076 метр узунликдаги қисмига қадар бора олишган.

Қолаверса, қулоччиликни давом эттираётган 17-авлод вақиллари, каштадўзлар, тўндўзлар маҳаллалари, йирик бозор ҳам бу ерга сайёҳларни жалб қилиш имконини беради.

Ҳақиқатан ҳам бу ҳудудга Яратган меҳр билан ўз неъматларини улашганига ишонингиз келади. Сабаби, юқорида таъкидланган тарихий ҳудудлари, чиройли манзаралари қаторида туман яна бир катта бойлик – тадбирли, йўқдан бор қила оладиган салоҳиятли одамлари билан ҳам ном қозongan. Бу ерда саховатли инсонлар бирлашиб, ўз ҳисобидан масжид, мактаб, ҳатто тиббиёт муассасалари қурдирган. Афсуски, айнан шу салоҳиятдан туризм масаласида етарлиқ фойдаланилмаганини кўриш мумкин. Бугунги кунгача юқорида номлари келтирилган баҳаво тоғли ҳудудларда сайёҳларга етарлиқ хизмат кўрсата оладиган меҳмонхона ҳам қурилмаган ҳатто.

50 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИЛАДИ - Жорий йил якунига қадар "Натурал Драй Фруитс" хусусий корхонаси томонидан тумандаги Қоратепа сув омбори



ҳудудида экотуризмни ривожлантириш ва меҳмонхона хизмати, дам олиш масканлари ташкил этилади, - дейди туман ҳокими ўринбосари Уйғун Раупов. - Шунингдек, "Замин тревел" МЧЖ томонидан Омонқўтон маҳалласи ҳудудида жойлашган собиқ "Дўстлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳи бино-иншооти ўрнида туризм зона, меҳмонхона ҳамда ёзги болалар оромгоҳи ташкил этилади. "Иштихон Голд Грапес Экспарт" МЧЖ томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлари белгиланган ҳолда замонавий хусусий клиника, сихатгоҳ ҳамда нуронийлар масканлари барпо этилиши кўзда тутилган.

Яқинда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва муҳтор элчиси Амира Фаҳмин бошчилигидаги делегация туман тадбиркорлари билан учрашиб, Чорчинор маҳалласидаги тоғ тизмасида экотуризмни ривожлантириш, канат йўллари қуриш лойиҳаси билан таништи ва лойиҳа 2022-2023 йилларда уюв бўлишига амалга оширилиши белгиланди. Биринчи босқичда 100 ўринли меҳмонхона комплексини қуриш, иккинчи босқичда 2 километр канат йўллари қуриш ва экотуризмни ривожлантириш, учинчи босқичда 100 ўринга мўлжалланган санаторий ва даволаш муассасасини барпо этиш кўзда тутилган. Бугунги кунда ушбу лойиҳани амалга ошириш юзасидан инвесторларни жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳа амалга ошадиган бўлса, 50 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилиши таъминланади.

ТУРИЗМ БОШҚАРМАСИНИНГ БЎЛИМЛАРИ ҲАМ КЕРАК

Айтиш жоиз, интернетдаги қидирув хизматлари орқали Ургут бўйича қидирувга берсангиз, юзлаб маълумотларни тавсия қилади. Улар орасида юртимиздаги энг йирик сайёҳлик фирмалари томонидан ташкил этилган йўналишлар орасида Ургут ҳам алоҳида ўрин олган. Қолаверса, туман ҳокорида таъкидланганимиздай, биргина йўналиш эмас, балки зиёрат, экологик, тоғ, дам олиш, тиббий туризм, хунармандчилик каби бир неча йўналишларни ўзида жамлаган ҳудуд саналади. Туризмни ривожлантиришга оид дастурларда республикада 135 та туризм қишлоқлари ташкил этилиши белгиланган бўлса, уларнинг 11 таси Ургутдадир. Афсуски, бу бўйича хозир бирор амалий иш бошланмаган.

Умуман, тахминларга кўра, шу йил давомида 11 минг хорижий ҳамда 380 мингга яқин маҳаллий сайёҳларни қабул қилган туманга туризм масаласида алоҳи-

да ёндашув талаб этилади. Ҳеч бўлмаса, шу каби бир неча сайёҳлик йўналишлари мавжуд туманда туризм ва маданий мерос бошқармасининг бўлими албатта, фаолият олиб бориши керак. Умуман, туманда туризмни ривожлантириш бўйича масалани туман даражасида қолдириш яхши натижаларга олиб келмайди. Оддийгина мисол, туманда туризм оқими бўйича статистиканинг юритилмаслиги туфайли хозирги мавжуд ҳолатга баҳо беришнинг имкони йўқ.

Агар реалроқ қарайдиган бўлсак, тарихий обидалари билан етти иқлимга машҳур Самарқанд туризми ҳам ҳуқумат миқёсида эътибордан (логистика, солиқ имтиёзлари ва хоказо) сўнггина сайёҳларни жалб этишда қатор натижаларга эришди.

Вилоятда биргина туризм хизматлари соҳасида 5,9 триллион сўмлик 365 лойиҳани амалга ошириш орқали 21 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши белгиланган эди. Ҳозиргача, 2022 йил 8 ойи давомида 18,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Ҳозир вилоят бўйича туризм соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни санаб ўтмоқчи эмасмиз. Юқоридаги рақамнинг ўзи ҳам кўп нарсадан далolat беради. Ҳатто амалга оширилган шундай кенг миқёсдаги ишларга қарамай, туризм ва маданий мерос бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятдаги тарихий обидалар ва музейлар имкониятларининг бор-йўғи 50 фоиздан фойдаланилмоқда. Бугунги кунда вилоятда жами 98 та салоҳиятли маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, хозирги вақтда уларнинг 51 таси тур маршрутларга киритилган. Сайёҳларнинг тунги пайт мазмунли дам олишлари учун масканлар кам.

Бизнингча, ҳар бир қишлоғи сайёҳларни қизиқтирувчи Ургут тўлиғича туризм туманига айлантирилиши ва намуна сифатида кўрсатилиши керак. Бу эса комплекс тарзда ёндашувни, туризм соҳаси мутасаддилари, олимлар ва бошқа, етакчи экспертлар билан ҳамкорликда, ўзига хос дастур асосида ишлашни талаб этади. Қадимийлиги, хунармандчилиги, ўзига хос аънавалари-ю зиёратгоҳлари билан машҳур бу туман шундай мақомга эришди.

Қолаверса, жуда гўзал тоғ манзаралари мавжуд туман ўзимизда бўлгани ҳолда самарқандликларнинг бошқа вилоятларга бориб дам олишлари, тўғрироғи, пул сарфлашларини қандай тўшиши мумкин? Ушбу тоғ ҳудудларида йирик дам олиш масканлари қурилиши нафақат туман, балки вилоят иқтисодидаги фойда келтиради-ку, шундай эмасми?

Гулруҳ МҶМИНОВА.

КЕТМОН ЧОПГАНЛАР АҲМОҚ ЭМАС

- Пул пулни топади, аҳмоқ кетмон чопади, - деди шу йил эрта кўклам чоғида томорқасида ер ағдараётган Сирожиддинга шаҳарлик танишларидан бири. - Дўстим, йўлқирага пул топсанг бўлгани, қолганини менга қўйиб бер. Хорижга кетамиз. Танишларим бор. Бир-икки йил ишлаб келамиз. Ўша ёқларда балки бизнес бошлармиз. Шароитингни яхшилаб оласан. - Осон жойда ош йўқ, - деди Сирожиддин ҳам ҳозиржавоблик билан. - Қарда бўлсанг ҳам меҳнат қилсанг, пул бўлади.

Оқдарёлик Сирожиддин Ҳасановни ишсизлик муаммоси бир неча йилдан бери қийнаб келарди. Тавakkal қилиб, яқинларидан йўлқира учун қарз олиб, ўртоғи билан хорижга кетмоқчи ҳам бўлди. Шу пайт қишлоғидаги фермер хўжалиғи еридан ишсиз ёшларга 10 йил муддатга 20 сотихдан ер ажратилаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб қолди. Сирожиддин кетмон чопганлар аҳмоқ эмаслигини, хорижга кетмай туриб ҳам шароитни яхшилаш мумкинлигини исботлаш учун шу ерда меҳнат қилишга қарор қилди.

Тенгдошлари қатори унга ҳам ер ажратилди. Томорқасида кетмон чопиб юрган йилгит эмасми, дарров ишга киришиб кетди. Сирожиддинга мотокультиватор совға қилинди. У ўзига ажратилган ерда ва ҳовлисидидаги томорқасида меҳнат қилиш билан бирга, бўш вақтларида қўшниларнинг ҳам ерларини шудгорлашга қўмақлашди.

Сирожиддин бугунги кунда биринчи экин, яъни картошка ва нўхат ҳосилини йиғиб олди. Қисқа вақт ичида 20 сотих ердан 20 миллион сўмга яқин даромад қилди. Айни пайтда ҳосилдан бўшаган ерга экилган ловияни парвариш қилапти. 70 кунда бу экиндан ҳам 15 миллион сўм даромад қилишни режалаштирган.



- Бу йил баҳорда айни экин экиш мавсумида ёгингарчилик кўп бўлди, - дейди у. - Менга ер ажратилиши биланок ишга киришдим. Кимдир шудгорлаб беришини кутиб ўтирмадим. Тинимсиз бўлган ёгингарчиликдан сал аввал уруғларни қадашга улғургандим. Шунинг учун бўлса керак, ҳосил яхши бўлди. Ердан бир йилда уч марта ҳосил олса бўлади. Буни ҳовлимиздаги томорқада санаб кўрганман. Сирожиддин тўқсонбости экин сифатида саримсоқлиёз етиштиришни ҳам ният қилган. Эрта кўклам биринчи экин олдан саримсоқлиёзни кўкат сифатида бозорга чиқариб, мўмайгина даромад қилишни кўзлаб турибди.

Янгиобод маҳалласи туман марказига туташиб кетган. Сирожиддин каби меҳнатсевар йилгитлар Лойиш шаҳарчасидаги ишсиз ёшларга ўрнак бўлапти. Уларга ҳавас қилган лойишлик йилгитлар ҳам аўқатданда қатнашиш истагини билдирди.

- Менга ҳам 20 сотих ер ажратилди, - дейди Лойиш шаҳарчасида яшовчи ёшлардан бири Феруз Исмаилов. - Биринчи ҳосилдан 15 миллион сўм даромад қилдим. Иккинчи экиндан ҳам умидим катта. Шундай имкониятлар яратилганидан хурсандман. Шаҳарчада катта бўлганим учун тўғриси, деҳқончилик сирларини билмас эдим. Ер ажратилишида Янгиобод маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Фахриддин Мардиев, иш жараёнида эса фермер Раҳматилла Раупов ҳамда Сирожиддин каби деҳқончиликдан хабари борлар бизга беминнат ёрдам кўрсатяпти.

Тўлқин СИДДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).



Каттақўрғон туманида бу йил 221 та фермер хўжалиқларининг 10,750 гектар майдонларида гўза парваришланади.

- Пахта далаларидаги гўза қатор ораларини минерал ўғитлар билан озиклантириб, биопрепаратлар ёрдамида ишлаш бердик, - дейди туман ҳокими ўринбосари Қ. Тоғаев. - Ушбу агротехник тадбирлар натижасида "Ж.Ҳайитов", "Шакар ота", "Залвал ота", "Ҳосил", "Ойбек", "Қиёмов Носир" номли фермер хўжалиқларида юқори ҳосилдорликка эришилди. Ушбу хўжалиқлар далаларида ўтган йили ҳосилдорлик 34 центнерни ташкил этган бўлса, бу йилги кўрсаткич 40 центнерга етди. Айниқса, "Марди Суллонов" ММТПга қарашли "Баҳрин Г.И.К" фермер хўжалиғи гектаридан 45 центнер ҳосил олишга аҳд қилган. Тоҳир НОРҚУЛОВ.

Таълим кредити кимларга, қанча муддатга берилади?

ридан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан бериладиган таълим кредитларига нисбатан татбиқ этилмайди. Табақалаштирилган тўлов-контракти ва унинг минимал миқдорига тенг бир марталик бошқа тўловларни амалга ошириш учун таълим кредити ажратилмайди.

Таълим кредити Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган "Асакабанк", "Саноатқурилишбанк", "Ориент Финанс банк", "Қишлоқ қурилиш банк", "Алоқабанк", "Ипотекабанк", "Агро-банк", "Микрокредитбанк", "Миллийбанк", "Туронбанк", "Халқ банки" ва "Ҳамкорбанк" тижорат банклари томонидан ажратилади.

Таълим кредитини олиш учун онлайн <https://talim-kredit.uz/> платформаси орқали ариза беришингиз мумкин. Шунингдек, бевосита тижорат банкга борган ҳолда таълим кредитини олиш учун ариза, тўлов-контракт шартномаси ва унга илова қилинадиган ҳисоб варақаси/фактураси (мавжуд бўлганда) тақдим этилади. Шартномада ўқишни тамомлашнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим.

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ - ҚАЙТАРИЛИШНИНГ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТ Бунда "Ижтимоий ҳимоя яғона реестри"га кирган оилаларнинг фарзандларига

ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафилик талаб этилмайди. "Ижтимоий ҳимоя яғона реестри"га киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома ("Ижтимоий ҳимоя яғона реестри"га киритилган оилалар фарзандлари учун). Биргаликда кредит олувчига (кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-сингли, эри ёки хотини ёки бошқа учинчи шахслар) тегишли маълумот тақдим этилади.

Ҳужжатлар 5 иш кунини кўриб чиқилади.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИ УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАДИМИ?

- Албатта, хотин-қизларнинг олий таълим муассасасида таълим олишлари учун фоизсиз таълим кредити берилади.

Президентининг 2022 йил 18 июлдаги "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, тўлов-контрактда ўқиётган хотин-қизларга жорий йилдан бошлаб имтиёзли фоизсиз таълим кредити бериладиган бўлди. Бундай таълим кредитлари Ўзбеки-



тондаги барча олий таълим муассасалари талабаларига (давлат, хусусий ва хорижий ОТМлар филиаллари), ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг кундузги, сиртки, кечки таълим шакли ўқувчиларига (техникум, касб-хунар коллежи ва х.к.) берилади. (Масофавий, супер-контракт, қўшма таълим талабаларига таълим кредити берилмайди).

Таълим кредити Марказий банкнинг асосий (14 фоиз) ставкасида берилади. Аммо бу фоиз қисмини хотин-қизлар тўламайди, Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси томонидан қопланади.

Таълим кредитининг асосий қисми учун тўлов талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб (яъни олти ой ўтиб), 7 йил давомида қайтарилади. Масалан, 7 миллион сўм таълим кредити олинса, ўқишни тугатгандан сўнг 6 ой ўтгач, 7 йил мобайнида тўлаб берилади.

Марказий банк вилоят бош бошқармаси ахборот хизмати.



Ер деградацияси нима ва унга қарши қандай курашилади?

Кейинги пайтда ернинг деградацияга учраши кенгайганлиги, ер майдонлари ишдан чиқётганлиги ҳақида маълумотлар кўпайди. Ҳўш, ер деградациясининг ўзи нима, ер қандай қилиб ишдан чиқади, бунга қарши қандай чора бор?

Соҳа мутахассисларининг изоҳида “деградация” таназул, завол, инқироз деб аталади. Оддий тилда айтсак, ер деградацияси чўлланиш ва қурғоқчилик оқибатида юзага келади.

Президентимизнинг 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишни самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатда ерлар деградациясига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган. Худудларда чўлланиш ва қурғоқчиликнинг олдини олиш, биохилма-хилликни асраш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш ҳам қарорнинг муҳим жиҳатларини белгилайди. Шунингдек, ушбу йўналишдаги илғор илмий ишланмалар ва инновациялардан кенг фойдаланиш асосида минтақаларни барқарор ривожлантиришга эришиш мақсад қилинган.

Ерлар деградацияси, чўлланиш ва қурғоқчиликнинг ҳозирги ҳолати унга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва улардан очик фойдаланиш имкониятини беради. Замонавий технологиялар (лаборатория, дронлар, масофадан зондлаш ва бошқалар)ни қўллаш йўли билан ерлар деградацияси ва чўлланишнинг олдини олиш мумкин. Жумладан, ерларни тиклаш, рекултивация ва мелиорация тадбирлари, яйловлардан алмашлаб фойдаланиш, уларни сақлаш ва фитомелиорациялаш, қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш, ўрмонлар ва иҳтозорлар барпо қилиш амалга оширилади. Бунинг учун тупроқ, агрохимёвий, геоботаник тадқиқотлар, ерларни хатловдан ўтказиш, аэрокосмик тасвирга олиш, топографик-геодезик, картографик ишлар бажарилади. Тупроқ шўрланиши ва экологик ҳолати геоботаник ва агрохимёвий харақатлар бўйича картографик материалларни яратиш билан ерларни қайта фойдаланишга киритиш чоралари кўрилади.

Ерлар деградацияси, жумладан, чўлланиш, қурғоқчилик, иқлим ўзгариши ҳолати ҳамда унга қарши курашиш ва мослашиш тўғрисидаги маълумотлар тўплаш бўйича ягона миллий электрон база яратилмоқда. Вилоятимизда 2022-2025 йилларда 117,6 минг гектар майдонда гумус миқдорини ошириш, 6,3 минг гектарда шўрланишни камайтириш, 94,8 минг гектар деградацияга учраган яйловларни камайтириш, 2 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларида иҳтозорлар барпо қилиш, 22 минг гектар ўрмон билан қопланган минтақаларни кенгайтириш режалари ишлаб чиқилган.

Бунинг учун деградацияга учраган қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқ сифатини

яхшилаш ва унумдорлигини ошириш мақсадида тупроқ муҳити меъёрлаштирилади ва янги технологиялар қўлланилади. Яйловлардан оқилона ва самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ҳамда деградация жараёнларининг олдини олиш учун яйловларни сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш, Оролбўйи яйловларининг биохилма-хиллигини баҳолаш ва иқлим ўзгаришига таъсири ўрганилади. Ресурс тежовчи технологияларни қўллаш орқали деградация ва чўлланишга учраган сугориладиган интразонал тупроқлар унумдорлигини тиклаш ва сақлашга эътибор қаратилади. Лалмикор худудларда тупроқ деградациясининг олдини олишнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш, деградацияга мойил тупроқларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг замонавий агротехнологияларини яратиш бўйича ишлар олиб борилади. Деградацияга учраган ерларда янги турдаги ўғитлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологияси ишлаб чиқилади. Шамол ва сув эрозияси таъсирига учраган ерлар қайта тикланади ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилади. Масофадан зондлаш ва геоаэробот тизимлари технологиялари ёрдамда эрозияга учраган худудларнинг замонавий мониторинг тизимини яратиш устида иш олиб борилади. Тупроқ шўрланишига қарши курашишнинг интеграциялашган агротехнологияси ишлаб чиқилади. Масофадан зондлаш ва яйлов ерлари ҳисобини юртиш материаллари асосида рақамли яйлов классификатори яратилади. Лалми ва яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда 3D-ўлчамли рақамли ер тузиш харитаси яратилади. Деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш мақсадида эрозияга учраган ерларнинг ҳақиқий майдонлари аниқланади ва маълумотлар базаси шакллантирилади. Инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш, деградацияга учраган ерларда барпо этилган дарехтзорлар ҳисобини юртишнинг рақамли тизими жорий этилади.

Белгиланган режалар ижроси юзасидан 2022 йил 1-31 август кунлари синов тарихида Паркент (Тошкент вилояти) ва Жомбой (Самарқанд вилояти) туманларида маълумотимиз тарихида ilk бор қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилди.

СОДИҚЖОН ҲАКИМОВ,
вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи.


Журналистлар Имом Бухорий мажмуаси қурилиши билан танишди

Вилоят қурилиш бош бошқармаси ташаббуси билан Имом Бухорий мажмуасида ташкил этилган пресс-турда вилоят бош архитектору Сайфиддин Нарзикулов оммавий ахборот воситалари вакилларига мазкур объектда олиб борилаётган улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари хусусида маълумот берди.

Пайриқ туманидаги Хартанг қишлоғида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари учун қарийб 6 гектар ер майдони, 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Ҳозирда мажмуа атрофида қурилиш ишлари олиб борилмоқда, дейди Сайфиддин Нарзикулов. - Кўча ва йўллар, майдонларда қумшағал аралашмаси ва сунъий қоплама ётқириш ишлари амалга оширилмоқда. Қурилиш майдонида вақтинчалик ишларни мувофиқлаштирувчи штаб ташкил этилган. Пудратчи ташкилотларнинг 180 нафар ишчи-хизматчилари меҳнат қилаётган ушбу объектда 70 та юк ташувчи машина, 16 та эксковатор ва бульдозерлар тупроқ ташиш, суриш ва текислаш ишларини олиб бормоқда.

Пресс-тур иштирокчилари мажмуанинг бош лойиҳаси билан яқиндан таништирилди. Таъкидланишича, келгуси йил фойдаланишга топшириладиган худудда 7 та замонавий меҳмонхона, 3 та миллий чойхона, супермаркет, бозорча, миллий хунармандчилик буюмлари сотиш айвони, ҳаммом, таҳоратхона, қушхона барпо этилади. Шунингдек, 1288 та енгил машина жойлашиши мумкин бўлган 3 та автомобилларни вақтинча сақлаш майдонлари ва автобекат қурилиши белгиланган.

Мажмуада қарийб 4 минг квадрат метр худудни эгаллайдиган, минораларининг балан-



лиги 54 метр бўлган масжид қурилишининг биринчи босқичдаги темир-бетон ишлари якунига етказилди. Шунингдек, баландлиги 11 метр бўлган масжид маъмурияти биносининг хаво тозалаш ускуналари ва қувурларини ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Қурувчилар томонидан асосий мақбара, мажмуага кириш ва чиқиш дарвозалари, ҳовлидаги айвонлар ҳамда баландлиги 74 метр бўлган 4 та минорада тиклаш ишлари қизгин давом этмоқда.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.



“Уйим ўқув марказига айлантирилгач, меҳмонларни эшикдан кузатганман”

Иштихон тумани Йўғонтепа маҳалласида яшовчи Зиёдулла Хўжанов 36 йилдан буйён таълим соҳасида ишлайди. Унинг ташаббуси билан маҳаллада ўқув маркази очилди.

- 1986 йилда ўқитувчилик фаолиятини туманимиздаги 55-мактабда бошлаганман, дейди Зиёдулла Хўжанов. - Кейинчалик 85 ва 31-мактабларда тарих, ҳуқуқ, география фанларидан дарс бердим. Тундан кейин ўқувчилар учун тўғарак ва қўшимча дарс ташкил қилдим. 1998 йилда 3 нафар ўқувчи олийгоҳга ўқишга кирди. Шундан сўнг кўпчилик ота-оналар, ўқувчилар қўшимча дарс ўтишни сўрашди. “Ўқийман, илм ўрганаман”, деган ўқувчиларга “Йўқ” дея олмадим. 2001 йилда уйда ўқув курси ташкил қилдим ва рўйхатдан ўтиб, репетиторлик қила бошладим.

Йилга 100 нафар бола тайёрланган бўлсам, 40-50 нафаргача ўқувчи олийгоҳга қабул қилинарди. Фарзандларим улғайиб, ўқишга киргач, уларни ҳам ёнимга олдим ва 2011 йилда оилавий қорхона ташкил қилдим. Ишонасизми, уйим ўқув масканига айланди, меҳмонларни эшикдан кузатган вақтларимиз ҳам бўлган.

Ўтган йил фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида “Nuriddin Xusni Ziyov” ўқув марказини ташкил қилдик ва 200 нафар ўқувчимиздан 140 нафари, жорий йил эса 76 нафар ўқувчи олийгоҳга ўқишга кирди. Ўқувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида ўқитувчи ва мураббийлар кунда 220 ўринга мўлжалланган ўқув маркази очишга муваффақ бўлдик.

Марказнинг қулайлиги шундаки, олдин ўқувчилар тўрт-беш фандан тайёрланган бўлса, энди ўзлари қизикқан ўнга ақин йўналиш бўйича ўқишга кириш учун тайёрланиши, бунга қўшимча равишда 2-4-синф ўқувчилари ҳам дарсдан бўш вақтда инглиз, француз ва рус тилларида сўзлашувни, 9-11 синфлар грамматика ва сўзлашувни ўрганиши ва чет тили сертификатини олиш учун тайёрланиши мумкин. Дарсларни ўтиш учун олий таълим муассасалари ва мактаблардан 15 нафар малакали ўқитувчи жалб қилинган. **Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.**

Урологиянинг долзарб масалалари муҳокама этилди

Самарқанд давлат тиббиёт университетида “Урологиянинг долзарб масалалари: назария ва амалиёт бирлиги” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Туркия, Россия Федерацияси, Қозғистон ва Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари ва тиббиёт марказлари урологлари иштирок этди.

Халқаро конференциянинг очилиш маросимида Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилла Иноятов, университет ректори Жасур Ризаев, Ўзбекистон Республикаси Урологлар илмий жамияти раиси Фарҳод Ақилов, Курск давлат тиббиёт университети ректори Виктор Лазаренко (Россия) ва бошқалар анжуманининг халқаро ҳамкорликдаги аҳамиятини таъкидлаб, форум ишига муваффақият тилади.

Халқаро конференциянинг асосий қисми 7 та ялли мажлисда давом эттирилди. Унда республикамиз ва хориждаги 27 та тиббиёт олий ўқув юртлири ва муассасаларидан жами 80 дан ортиқ уролог-амалиётчи ҳамда ёш олимларнинг “Эндоурология: урוליғия ва простата безининг хавфсиз гиперплазиясини даволашдаги инновациялар”, “Лапароскопик урология: Ўзбекистон урологларининг ютуқлари ва хорижий тажриба” йўналишлари бўйича маърузалари тингланди.

Халқаро илмий-амалий конференция урология фанини ривожлантириш, янги билимларни кундалик амалий ишларга татбиқ этиш, иқтидорини ёш олимларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этишга ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлирида урология фанини ўқитиш сифатини янада оширишга хизмат қилади. **Одилбек АҲМЕДОВ.**

REKLAMA, E'LONLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Фаъзов Изаатга (2006 йил 9 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Қаршиев Исоқга (2014 йил 16 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Рузиева Мария Емильевнага (2013 йил 17 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Сафарова Муъяссарга (2021 йил 25 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасида марҳум Темирова Хадичага (2013 йил 4 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасида марҳум Рустамова Зевар Бахриддиновнага (2021 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.

тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасида марҳум Рустамова Зевар Бахриддиновнага (2021 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Бахретдинов Карим Шарафовичга (2019 йил 27 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат

билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Кабилов Сабирга (2015 йил 2 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани Зебунисо кўчаси, 4-“А” уй.

Пайриқ туманидаги “KELAJAK UCHQUNI” фермер хўжалигининг (СТИР: 305790462) ду-малок муҳри ва бурнак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом тиббиёт коллежидан 2015 йилда Азимова Асолат Сайфиддин қизи номига

берилган рўйхат рақами 502, К № 3853761 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

1-Самарқанд педагогика билим юртидан 2004 йилда Джалова Марғуба Файзуллаевна номига берилган рўйхат рақами 32, Т № 218316 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом педагогика ва спорт коллежидан 2019 йилда Қучкарова Сора Рустамовна номига берилган рўйхат рақами 091, К № 5802151 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТОПГАНГА МУКОФОТ!
Сайфуллаев Соҳиб Каримовичга тегишли давлат рақами 30 MA 770, 2013 йилда ишлаб чиқарилган “SHANTU” русумли юк кўтаргичнинг (фронтальный погрузчик) техник паспорти Паст Дарғом тумани худудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99898-937-25-25.

► Фозил Йўлдош ўғли таваллудининг 150 йиллиги олдида

Халқ оғзаки ижодининг етук намояндalarидан бири, бахши шоир Фозил Йўлдош ўғли таваллудининг 150 йиллиги олдида Булунғур шаҳридаги шоир номи билан аталувчи хиёбон қайта таъмирланиб, уй-музейи янгидан барпо этиляпти. Бахши шоирнинг Булунғур шаҳри марказида жойлашган хиёбондаги қабри Бедана маҳалласидаги "Ғиштли ота" қабристонига кўчирилди.

Бахши шоирнинг қабри "Ғиштли ота"га кўчирилди

Маълумки, собиқ иттифоқ тузумининг маҳаллий анъаналарга беписанд қараши оқибатида машҳур кишилар, таниқли адиблар, олимлар шаҳарлар марказидаги хиёбонларга, маданият ва истироҳат боғларига дафн этилган. Бу одат бахши шоирни ҳам четлаб ўтмади. Гап шундаки, Фозил Йўлдош ўғли вафотидан сўнг собиқ тузум тамойилига кўра, туман партия ташкилоти (ҳозирги туман ҳокимияти) биноси ёнидаги маданият ва истироҳат боғига дафн этилади. Қабрга ёдгорлик лавҳалари битилган мрамор тош қўйилади, қабр ёнига шоирнинг қўлида дўмбира тўтиб турган тисмоли акс эътирилган бюсти ўрнатилди. Ҳам кўчирилиб, шу ерга ўрнатилди. Қабрнинг кўчирилиши билан боғлиқ комиссия аъзолари томонидан тузилган долотлатнома ҳам қўтидон (капсулага) солиб, сўякларни ёнига қўйилган.

Орадан кўп вақт ўтмай, хиёбоннинг бош қисмида, яъни чап томонда жойлашган чойхонанинг ўнг томонидаги катта залда бахши шоирнинг уй-музейи ташкил этилади. Аммо тасодиф сабаб 1970 йилларнинг охирида чойхона ёниб кетади. Оқибатда янги ташкил этилган уй-музейи ҳам ёниб, барча экспонатлар ярқисиз ҳолга келиб қолади, шоирнинг қабри яна ташландиқ ҳолатга тушади.

Туманимизда йил бошидан бахши шоир юбилейини ўтказиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган бир пайтда оқсоқоллар шоирнинг Булунғур шаҳридаги хиёбонда жойлашган қабри-ни "Ғиштли ота" қабристонига кўчириб олиб келиш таклифини билдирди. Табиийки, бу таклиф Фозил бобонинг Лойқа кишлоғилик қариндошларига ҳам маъқул келди. Шундан сўнг улар бу таклиф юзасидан туман ҳокимлигига мурожаат билан чиқди. Туман фаоллари нуронийларнинг бу таклифларини қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилояти вакили хулосаси билан бахшининг қабри "Ғиштли ота" қабристонига кўчириш жойиз, деб ҳисобланди.

Аммо қабрнинг кўчирилиши бўйича айрим тушунмовчиликлар ҳам юзага келди. Тарихий манбаларда келтирилишича, буюк алломаларимизнинг ҳам қабрлари давр тақозоси билан бир давлатдан иккинчи давлатга ёки бир шаҳардан иккинчи бир шаҳарга

кўчирилиши ҳолатлари бўлган. Хусусан, Булунғурда таваллуд топган Хўжа Ҳофиз Меросий XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб, фаолият кўрсатган ҳатто, Қуръони каримни етти хил қироатда ёддан ўқий олган улўғ олимлардан бири бўлган. У 1528 йил 26 октябрда Эроннинг Машҳад шаҳрида вафот этган. Олимнинг васиятига кўра, ўлимидан олти ой ўтиб, Самарқанд ҳукмдори Султон Убайдуллоҳонинг фармонида мувофиқ, мулозимлари унинг жасадини Шероз қалъаси ёнидаги қабристонга олиб келиб кўмишди. Бу каби ҳолатлар тарихдан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, Фозил Йўлдош ўғлининг қабри-ни кўчиришда кенг жамоатчилик фикри, бахши шоир қариндошларининг розилиги, қолаверса, бу борада тузилган махсус комиссия хулосаси олинди. Шоирнинг хиёбонда жойлашган қабри 2022 йил 22 май куни Бедана маҳалласидаги "Ғиштли ота" қабристонига дафн этилган ота-онаси, қариндошлари ёнига кўчирилди. Қабрни кўчириш жараёнида комиссия аъзолари, антропологлар, эксперт шифокорлар, бахши шоирнинг қариндошлари, неваралари иштирок этди.

Айни пайтда зиёратчилар учун қурилаётган махсус жойда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилляпти. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан бахши шоир қабрини зиёратгоҳга айлантириш ҳамда уни миллий ва маданий мерос объекти сифатида рўйхатдан ўтказиш мақсад қилинган.

Холбой ҚОСИМОВ, журналист.

► Теленигоҳ

Улуғларни йўқламоқ – савоб

ЎзМТРК "Маҳалла" каналида "Инсон азиз" кўрсатувининг пайдо бўлиши унинг томошабинларини кўпайтирди. Чунки кўрсатув ижодкорлари яқин тарихда фаолият кўрсатган таниқли кишиларнинг ибратли ҳаётини экранга олиб чиқиб, чинакам мактаб намоийш қилишляпти. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Тошмухаммад Қориниёзийнинг камтарона ҳаёти, улўғвор илми ҳеч кимни беъэтибор қолдирмади. Ўзбекистон геологлари отаси – академик Ҳабиб Абдуллаевнинг маъданлар ҳақидаги ҳикоялари, "Алифбе" китобининг муаллифи Оқилхон Шарофиддинов, батракликдан деҳқонларнинг пирига айланган, 3 марта Меҳнат қаҳрамони бўлган Ҳамроқул Турсунқулов, 18 ёшида қўлда пахта териб, қаҳрамонга айланган Лолахон Эрбўтаевнинг ҳаёти томошабин учун чинакам сабоқ лавҳаларига айланди. Қолаверса, бундай қизиқарли тадбирлар ҳар биримизда ўз авлодимизга нисбатан муносабат уйғотади.

Кўрсатув ижодкорлари Шароф Убайдуллаев ва

Рўзибой Қўлдошев, шунингдек, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Турсунхон Худойбергандов кўрсатув мундарижасини тузишда фидокорона меҳнати билан элга танилган юртдошларимиз ҳаётидан энг қизиқарли ҳолатларни беришга ҳаракат қилганлар. Шу боис бундай кўрсатувлар телеэкранда қайта-қайта намоийш этилиши баробарида, ижтимоий тартиқда ҳам ўз томошабинига эга бўляпти. Хусусан, Шароф Рашидов ҳақидаги кўрсатув нафақат юртдошларимизга, балки кўшни давлатлар зиёлиларига ҳам маъқул тушди ва катта баҳо олди.

Бугун ушбу ижодий гуруҳ Пахтачи туманида яшаган Меҳнат қаҳрамони Зулайхо Норқулова хотирасига бағишлаб кўрсатув қилишга киришганини эшитдим. Демак, табарруқ заминимиздан ўтган фидойи инсонлар номи ҳам хотирга олинди, уларнинг фидокорона меҳнати ибрат қилиб кўрсатилди.

Облоқул УСМОНҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

“Оммавий маданият” аёлни оиладан “қутқармоқчи”

ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁГИ ОСТИДА Ўтган асрнинг 60-йилларида ғарб мамлакатларида содир бўлган "маданий инқилоб" эр, хотин ва болаларни оилавий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оиллага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди. Бу ҳол оиланинг емирилишига сабаб бўлди. "Оммавий маданият" азалий қадриятларни камситиб, ҳатто аёлнинг эри ва болалари бўлиши табиий, ҳаётий эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурлар устидан ҳам қулиб келди, аёлни оналик вазифасидан буткул "қутқариш"га интилаётган гуруҳлар пайдо бўлди. Бугун ушбу гуруҳлар кўпгина Европа мамлакатларида ҳукуматга таъсир қилиш қудратига эга. Улар дастлабки ёрдамида ўзларининг манфур қилмишларига қарши жамиятларни демократияни бўғиш, хотин-қизлар ва ёшларни эркин ҳаёт тарзидан маҳрум қилишда айблагляпти. Бунда ўтган асрнинг бошларида ғарб мамлакатларида шаклланган ва бугунги кунга келиб, ижтимоий ҳаракатга айланган феминизмнинг "хизмат"и катта.


Шарқ мусулмон халқларида аёлларни ҳурмат қилиш, уларни нафақат моддий-жисмоний, балки маънавий ҳимоялаш анъанаси чукўр илди отган. Уларнинг ҳар бири она ёки аёллик фитрати амалга ошишини оруз қилади. Шарқда "Жаннат оналар оёғи остида" деган ҳикмат бекорга бот-бот такрорланмайди. Унинг замирида жамиятда аёлнинг ўрни,

қадр-қиммати ўз аксини топган. Баъзан жамиятимизда аёлларнинг эри томонидан эўравонликка учраётгани ортиқча бўрттирилади. Аммо ғарбда оила қурмаган, фарзандли бўлиш ҳақида ўйламаган аёллар ёши ўтган сари жамиятда ёлғизликка маҳқум бўлиши ҳақида ҳеч сўз демайди.

ОИЛАНИ МУҚАДДАС ДЕБ БИЛМАГАНЛАР УЧУН МУҚАДДАС НАРСАНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ Абдурауф Фитрат "Оила" асариде "Қаерда оила, оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади", деб таъкидлайди. Хўш, оиланинг муқаддаслиги нимада? Ўзаро ришталар ниқоҳ воситасида мустаҳкамланган, эр-хотин бир-бирининг олдидаги бурчи, масъулият ва садоқатни хис қилгандагина оила муқаддаслик даражасида чиқади. Ушбу тушунчалар муайян ҳаётий тажриба, машаққат ва турмуш синовларида тобланишлар натижасида вужудга келади.

Иилдан-йил хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятлар сони ортиб борапти. Мутахассислар фикрича, бунинг асосий сабабларидан бири кундан-кун сони ортиб бораётган нотўлиқ оилалардир. Айни кунда ижтимоий хавфли жиноятлар содир этаётган аксарият аёллар ва воёга етмаганлар нотўлиқ оилалардан эканлиги айтиляпти. Ёки бўлмаса, бошқа ҳуқуқбузарликлар, одам савдоси қурбонлари, ёшлар, аёллар, албатта,

► Мулоҳаза учун мавзу



буларнинг барчаси асосан ажралиш оқибатида юзага келади. Аёл меҳрли, болапарвар хилқатлигини ҳисобга олиб, шу йўсинда унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни белгиланади. Куч-қувватда у эркакка тенглаша олмайди, шунинг учун ҳам эркак уни ҳимоялаш, гамхўрлик қилиши лозим. Ҳаёт, оила мувозанатининг бузилмаслиги учун аёл ҳам ўз вазифаларини бажаришга масъул.

БУ МАСАЛАДА ЎЗ АНЪАНАЛАРИМИЗ БОР Баъзи соҳаларда аёлларга қараганда эркакларнинг ўрни баланд, баъзи масалаларда эса аёллар устун, баъзиларида эса улар тенг ҳуқуқли. Бу жинсларнинг қайсибири бирон нарсада камситилганини аналганмайди. Бу ҳар ким ўз табиатидан келиб чиққан

ҳолда, ўз ўрнида туриб, ўзининг ишини қилаётгани демакдир. Аслида аёлларга нисбатан ҳар қандай эўравонлик барча ақли жамиятларда, хусусан, исломда қаттиқ қораланади. Аёлларга нисбатан куч ишлатиш тажовуз ҳисобланади.

Бугун оиласида эўравонликка учраган аёлларни ҳимоя қилиш мақсадида реабилитация марказлари фаолият юрляпти. Аммо ўнта аёлга эўравонлик ишлатилиб, ўнта эркак жазоланганидан жамиятга нима наф? Шунинг учун ҳам мутахассислар баъзида оғир бўлмаган ҳолатларда оиланинг бир бутунлигини сақлаб қолиш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борапти. Зеро, улўғлар айтганидек, ўз уйида бахтли бўлган инсонгина чинакам бахтиёрдир.

Сулаймон МАРДИЕВ.

► Қуш уясида кўрганни қилади

Яқинда таниқли ижодкорлардан бири Фармон Тошев ўз интернет саҳифасида: "Қуш уясида кўрганни қилишини билсак-да, болаларимиз кўз ўнгиде уларга ёмон ибрат бўладиган ҳаракатлар қиламиз. Нега?" мазмунидаги саволни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этди. Менимча, жуда долзарб ва фавақулда муҳим мавзу. Очиги, мен ҳам анчадан бўён шу муаммодан ташвишланиб келаман. Мактабгача тарбия соҳасида ишлаётганим туфайли айрим болаларнинг феъл-атворида бачкана одатларни, мулоқотларида эса қўпол сўзларни учратаман. Шунда, эҳ, ота-онасида ўтибди-да, деб ачиниб қўяман.

"Отанга тортибсан-да, бола!" Бу иддаоини эшитмаслик учун нима қилмоқ керак?

Болалар қизиқувчан, кузатувчан, айниқса, катталарга тақид қилишга мойил эканлигини яхши биламиз. Улар ўз оиласида нимани кўрса ва эшитса, бор-борича қабул қилади. Бас, шундай экан, нега билиб туриб, фарзанд тарбиясига бефарқмиз? Уларнинг олдида сўжинамиз, ғийбат гапирамиз, мактанамиз, кимгадир ҳасад қиламиз, баъзан болажонимиз меҳр қўйган мушугини унинг кўз олдида тепиб, улуктирамиз. Боламизга ёлғон гапиришни ўргатаётган ҳам ўзимиз, баъзида "даданга айтма", "онанг сўраса, кўрмадим де" қабилида уларни ёлғон гапиришга ундаймиз. Оилада эр-хотин орасида "сан-ман"-га бориб турилиши одатий ҳол. Шундай вазиятга тушганимизда жанжалга гувоҳ бўлиб, кўрқувдан жовдираб турган боламизга "нариги уйга чиқиб тур", дейишни эп кўрмаймиз. Аммо шундай иш тутмоқ шарт ва лозимлигини биламиз, бироқ бунга амал қилмаймиз. Аниқки, эртагаёқ боламиз уйдаги жанжалдан ўзлаштирган қўпол сўзларни боғчада ўртоқлари билан "баҳам кўради". Айрим болаларнинг асабий, қайсар, арази, ҳатто "шантажчи" бўлиб қол-



ганини ҳам кузатамиз. Яна бировлари эса мансабдор отасидек кибрили, манман. Баъзи қизалоқларнинг чакимчи, ғийбатчилигини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Яширадиган жойи йўқ, у боққиш опасининг, янгасининг "гап сотти"сида сўз овлаб ўтирган. Уша янгаю отажони унга "бор, жоним, кўғирчоғингни ўйна, катталарнинг гапларини эшитиб ўтириш, уят", деб айтишмаган-да.

Тўйхоналар ҳам болалар учун тарбия ўчоғи. Тўйдამисиз, илтимос, ён-атрофинизга бир қаранг, қанча меҳмончалар оёқ остида уймалашиб юришибди. Чунки юр, болам, тўйга борамиз, дег уларни ҳам ўзимиз билан бирга олиб кетамиз. Тўйхонада эса оммавий ичкиликбозлик! Қистир-қистир, беҳаё қилиқларни кўраётган болалар "тўйхона таълими"ни оляпти. Балки тўйхоналар пештоқига ҳам "16 ёшгача мумкин эмас" белгисини илиб қўймоқ фурсати етгандир?

Назаримда айрим ота-оналар фарзандларининг тарбиясига қўл силтаб қўйишган. Улар учун муҳими боласининг қорни тўқ, уст-боши бут, тўрт мучаси соғ бўлса, бас, бошқаси аҳамиятли эмас. Шундай ёндашув сабаб айрим болалар салом бермоқчи, таомдан сўнг омин қилмоқчи, раҳмат айтмоқчи билмайди. Чунки бундай қадриятларни улар ўз оиласида кўришмаган. Албатта, биз катталар ёмон ибратли ҳаракатларимиз кун келиб, ўзимизга фожиа бўлиб қайтажаклигини, қачондир, кимдандир боланинг мушугини унинг кўз олдида тепиб, улуктирамиз. Боламизга ёлғон гапиришни ўргатаётган ҳам ўзимиз, баъзида "даданга айтма", "онанг сўраса, кўрмадим де" қабилида уларни ёлғон гапиришга ундаймиз.

Оилада эр-хотин орасида "сан-ман"-га бориб турилиши одатий ҳол. Шундай вазиятга тушганимизда жанжалга гувоҳ бўлиб, кўрқувдан жовдираб турган боламизга "нариги уйга чиқиб тур", дейишни эп кўрмаймиз. Аммо шундай иш тутмоқ шарт ва лозимлигини биламиз, бироқ бунга амал қилмаймиз. Аниқки, эртагаёқ боламиз уйдаги жанжалдан ўзлаштирган қўпол сўзларни боғчада ўртоқлари билан "баҳам кўради". Айрим болаларнинг асабий, қайсар, арази, ҳатто "шантажчи" бўлиб қол-

ганини ҳам кузатамиз. Яна бировлари эса мансабдор отасидек кибрили, манман. Баъзи қизалоқларнинг чакимчи, ғийбатчилигини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Яширадиган жойи йўқ, у боққиш опасининг, янгасининг "гап сотти"сида сўз овлаб ўтирган. Уша янгаю отажони унга "бор, жоним, кўғирчоғингни ўйна, катталарнинг гапларини эшитиб ўтириш, уят", деб айтишмаган-да.

Нигора АЛЛАНОВА, Пахтачи туманидаги 3-мактабгача таълим ташкилоти директори.

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 388 nusxada chop etildi. Buyurtma 642. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: X.ERNAZAROVA. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. ISSN-201667X 9 772010 667009